



Данияда, электр токи билан хушсизлантириб (гангитиб) туриб сўйишни таъкиловчи янги конун кучга кирди. Амалга оширилаётган янгилик хакида кишлок хўжалиги ва озик-овкат саноати вазири Дан Йоргенсен хабар бера туриб, хайвонларнинг кийнокдан озод килиш диний урф-одатлардан мухимрок деб таъкидлади. Шу билан бирга амалдор яхудий ва мусулмон конфессияларининг анъаналарига биноан хайвонларни сўйишга бўлган талаб мавжудлиги хакидаги хакикатни тан олди. Бирок, конун ишлаши учун барча имкониятлар ишга солинишини ишонтириб айтди.

Бу янгилик Даниянинг яхудий жамияти ва 53 та мусулмон жамоаларини ўз ичига олган “Danish Halal” ташкилотларининг норозилигига сабаб бўлди. Бу ташкилотларнинг вакиллари, “шҳитта” ва “халол” - яхудий ва мусулмонларнинг диний конунларига биноан хайвонларни сўйишга бўлган таъкик, эътиқод эркинлигига нисбатан суикасад деб кабул килмоқдалар. Аммо Дания хукумати, хайвонлар хукукини химоя килувчи конунга биноан амал килаётганини таъкидламокда, яъни Данияда истикомат килувчи яхудий ва мусулмонлар, уларнинг диний анъаналарига биноан тайёрланган, импорт маҳсулотларнигина харид килишлари мумкинлигини англатади. “Озодлик” радиосининг Скандинавиядаги муҳбири Сергей Жаняннинг хабар килишича, хушсизлантирмасдан (гангитмасдан) туриб хайвонни маросимий сўйишни такиковчи шунга ўхшаш конун Швеция ва Норвегия хукумати томонидан кабул килинган.